

Инсон Салоҳияти Ва У Билан Боғлиқ Тушунчаларнинг Назарий Талқини

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Қудратжон Б.Дилманов

Бухора Давлат университети ўқитувчиси, мустақил изланувчи

Аннотация: мақолада инсон салоҳияти ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий талқин қараб чиқилган. Шунингдек, инсон салоҳияти билан боғлиқ бўлган инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти каби тушунчаларнинг мазмуни ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: инсон, инсон салоҳияти, инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти.

Мамаюнус Каршибаевич Пардаев

Профессор Самаркандского института экономики и сервиса, д.э.н.

Қудрат Бахтиёрович Дилмонов

Старший преподаватель Бухарского государственного университета, независимый исследователь

Теоретическая Интерпретация Человеческого Потенциала И Связанных С Ним Концепций

Аннотация: в статье рассматривается теоретическая интерпретация человеческого потенциала и связанных с ним концепций. Также показано содержание понятий, связанных с человеческим потенциалом, таких как человеческий капитал, трудовой потенциал, кадровый потенциал, личностный потенциал, а также способы определения их показателей.

Ключевые слова: человек, человеческий потенциал, человеческий капитал, трудовой потенциал, кадровый потенциал, личностный потенциал.

Mamayunus Karshibaevich Pardaev


Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service, Doctor of Economics

Kudrat Bakhtiyorovich Dilmonov

Senior Lecturer of the Bukhara State University, independent researcher

Theoretical Interpretation Of Human Potential And Related Concepts

Abstract: the article considers the theoretical interpretation of human potential and related concepts. It also shows the content of concepts related to human potential, such as human capital, labor potential, personnel potential, personal potential, as well as ways to determine their indicators.



Keywords: person, human potential, human capital, labor potential, personnel potential, personal potential.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Дунё инсонлар билан тўла. БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳисоб-китобларига кўра, кейинги йилларда аҳоли йилдан-йилга жадалли билан ўсиб бормоқда. Ер шарида 1804 йилда дунё аҳолиси 1, млрд. кишини ташкил қилган бўлса, 123 йилдан кейин, яъни 1927 йилда унинг сони 2,0 млрд. кишига етди. Ҳозир ҳар 12 йилда 1,0 млрд кишига ошмоқда. Жумладан, 1999 йилнинг 12 октябрда дунё аҳолиси 6,0 млрд. кишини ташкил қилган бўлса, 12 йилдан кейин, яъни 31 октябрь 2011 йилда 7 млрд кишига етди. Яна 11 йилдан кейин 2022 йил 15 августида дунё аҳолиси 8,04 млрд. кишига етди¹. Бугунги кунда табиий ўсиш бир йилда 98,4 млн кишини ташкил қилади. Барча дунё аҳолисининг 4,04 млрд нафари эркак, 3,96 млрд нафари аёллардир. Бу билан эркаклар ва аёллар сони ўртасидаги тафовут 1,018 ни ташкил этмоқда².

Countrymeters лойиҳаси маълумотларида қайд этилишича, “Ер сайёрасида яшовчи аҳоли сонининг 1 млрд кишига етиши учун 200 минг йилдан кўпроқ вақт кетган. Ушбу рақам 7 млрдга етиши учун эса 200 йил керак бўлди, холос”³, Шунининг олиш лозимки, бугунги жадал ривожланиш босқичида инсон салоҳиятига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Чунки аҳолининг ўсиши, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг таъминотини ҳам жадал ўсишини тақозо қилади. Аммо аҳолининг яратувчанлик салоҳияти ҳам шунга мос равишда ошиб бориши лозим. Аммо ҳар бир инсоннинг салоҳияти бир-биридан кескин фарқ қилади. Чунки уларнинг ҳар бирида ўзига ҳос салоҳият бор. Инсон салоҳияти зўр бўлса, бир киши икки кишининг ва ундан кўпларининг ҳам ишини қилиш мумкин. Салоҳиятсиз инсонлардан катта самара ёки натижани ҳам кутиб бўлмайди. Шу жиҳатдан ушбу мавзу ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада инсон салоҳияти ва унинг назарий талқини тадқиқ қилиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услублардан ва усулидан фойдаланилган. Бунда асосан мантикий таҳлил усуллари ҳам фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар. Инсоннинг салоҳияти таркибига ўзининг ва жамиятнинг эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган ундаги мавжуд ақлий ва жисмоний кучи қаради. Буларга биринчи галда, инсоннинг саломатлиги, билим даражаси, тажрибаси, қобилияти қабиларни киритиш мумкин. Ҳамма инсонлар саломат бўлиши мумкин. Аммо уларнинг билим даражаси турлича, иш тажрибаси айримларда катта ва айримларда жуда паст бўлади. Илмли кишилар илмсиз кишиларга нисбатан салоҳиятли ҳисобланади. Агар инсоннинг бажарадиган иши жисмоний кучни талаб қиладиган бўлса, унинг салоҳиятлилигини белгиловчи биринчи мезон унинг жисмоний бақувватлиги билан ўлчанади. Юк кўтариш ва ташишда жисмоний бақувват одам салоҳиятли ҳисобланади. Кўриниб турибдики инсон салоҳияти ҳам турли йўналишларда баҳоланар экан.

Инсон салоҳиятини сифат нуқтаи нразаридан қараладиган бўлса, энг салоҳиятли инсонни “юқори сифати инсон” дейиш ҳам мумкин. Бундай инсонлар барча соҳаларда фаол, яъни билимдон, тажрибали, фаросатли, иймон-эътиқодли, иродали, ҳалол-покиза бўладилар. Ушбу хислатларнинг даражасига қараб инсонларнинг салоҳиятига баҳо берилади.

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/15/population/>

² <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/15/population/>

³ <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/15/population/>



Албатта инсон салоҳиятини мукамал даражада ўлчаш қийин. Шу туфайли инсон салоҳиятининг таърифи дейсизми, кўрсаткичлари дейсизми, сифати дейсизми, унинг бирорта соҳасида на хорижий, на мамлакатимиз олимлари ўртасида бир тўхтамга келинган ҳолатни учратиш қийин. Айрим олимларнинг асарларида “инсон салоҳияти” ибораси ишлатилса, айримларида “инсон капитали” тушунчаси кенг тарқалиб кетди. Баъзи олимлар асарларида “меҳнат салоҳияти”, айримларида “кадрлар салоҳияти”, “шахс салоҳияти” ҳам деб юритилади. Ушбу тушунчаларнинг мазмунига эътибор қилинса, улар бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Ҳаммасида инсоннинг фаоллигига эътибор қаратилган.


Ушбу тушунчаларнинг фарқи аниқлик киритиш учун ҳар бирига ўзимизнинг изоҳимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларнинг изоҳи қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категория ва тушунчаларнинг мазмуни

Т/р	Тушунчаларнинг номи	Тушунчаларнинг изоҳи
	Инсон салоҳияти	Инсоннинг барча моддий ва маънавий, ички ва ташқи кучлаирни мужассам этган кенг қамровли фаолиятни олиб бориши мумкин бўлган қобилияти тушунилади.
	Инсон капитали	Инсонда мужассам бўлган жамият ва одамларнинг эҳтиёжини юқори савияда, самарали қондиришга хизмат қила оладиган илмлар мажмуи, саломати, қобилияти, етарли тажрибасининг жамланган шакли тушунилади. Инсон капитали битта шахсга нисбатан, битта корхонага нисбатан ва битта мамлакатга нисбатан ишлатилади.
	Меҳнат салоҳияти	Шахснинг меҳнат салоҳияти, унинг белгиланган меҳнатни қилиш қобилияти тушунилади. Жамиятнинг меҳнат салоҳияти деганда, меҳнатга қобилиятли аҳоли, ишлаётган пенсионерлар ва вояга етмасда фаолият кўрсатаётганлар тушунилади.
	Кадрлар салоҳияти	Хўжалик юритувчи субъектларда унинг фаолиятини юргизишга қодир бўлган мутахассис кадрларнинг мавжудлиги тушунилади.
	Шахс салоҳияти	Битта инсонга тегишли бўлиб, унинг билим даражаси, қобилияти, яъни нимага қодирлиги, соҳаси бўйича тажрибаси жиҳатидан бошқалардан фарқли жиҳатлари тушунилади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категория ва тушунчаларнинг бир қанча номланишлари мавжуд экан. Бироқ уларнинг ҳар бирининг ўз мазмуни ва моҳияти бор. Жумладан, инсон салоҳияти кенг маънони билдирадиган бўлса, унинг бир қисми инсон капиталида мужассам. Бунга нисбатан торроқ тушунча меҳнат салоҳияти бўлиб, бу фақат меҳнат қила оладиган кишиларга қаратилган. Ниҳоят кадрлар салоҳияти ҳам маълум вазифаларни бажаришга қаратилган.



ходимлардан иборат бўлса, шахс салоҳияти фақат битта инсоннинг қобилияти билан ўлчанади.

Инсон салоҳиятининг таркибий қисми бўлган инсон капиталини ривожлантириш учун бир нечта амалий тадбирлардан фойдаланишни тақозо қилади. Бу борада олдинги мақолаларимиздан бирида таъкидланган эди. “Бу ўз ичига қуйидаги йўналишларга эга бўлган жараёнларни камраб олади:

- ҳар бир инсон ўзини такомиллаштириши лозим;
- таълим сифати ва самарадорлигини узлуксиз ошириб боришга эришиш ҳам мақсадга мувофиқ;
- таълимни ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муҳитни яратиш ва ундан самарали фойдаланиш”⁴ лозим бўлади.

Иқтисодиёт аниқликни талаб қилади. Шу туфайли уларнинг ҳар бирини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг аниқланиш йўлларига эътиборни қаратамиз. Булар қуйидагилардан иборат:

“**Инсон салоҳияти** қуйидагича аниқланади:

$$Ис = Шбт + Шт + Шиэ + Шс;$$

Бунда: Шбт – шахснинг ўз йўналиши бўйича билим даражаси;

Шт – шахснинг ўзи фаолият кўрсатадиган соҳаси бўйича амалий тажрибаси;

Шиэ – шахснинг иймон-эътиқоди, маънавияти, яъни тарбияланганлик даражаси;

Шс – шахснинг саломатлик даражаси”⁵.

Инсон капитал (Ик)нинг биринчи хусусияти – бир шахс ёки ходим доирасида эмас, жамоа миқёсида ҳам баҳоланиши билан изоҳланади. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$Ик = Абд + Ат + Ас + Хи + Мэ;$$

Бунда: Абд – аҳолининг билимлилик даражаси (соҳага оид олий маълумотли мутахассисларнинг умумий ходимлардаги улуши);

Ат – аҳолининг (корхонада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг) тажрибаси;

Ас – аҳолининг саломатлик даражаси;

Хи – ходимларнинг (худуд ва мамлакат миқёсидаги аҳолининг) интизомлилик даражаси (коррупцияга йўл қўйилмаганлик даражаси);

Мэ – ходимларнинг маънавий етуклиги.


Инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категориялардан яна бири **меҳнат салоҳияти (Мс)** ҳисобланади⁶. Буни соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, инсонларнинг фақат меҳнат қилиш қобилиятини ўз ичига олади. Ушбу категория қуйидагича аниқланади:

$$Мс = Мқа + Ип + Иўс + Ин;$$

⁴ Пардаев М.Қ., Пардаева О.М. Инсон капиталининг шаклланишидаги муҳим омиллар ва унинг жамият ривожигаги роли. // Экономика, менеджмент, сервис: современные проблемы и перспективы. mavzusidagi ilmiy ishi konferensasi sciencebox.uz platformasida muvaffaqiyatli e'lon qilindi. 21.08.2024– 35-41 бетлар.

⁵ 4. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Инсон салоҳияти, инсон капитал ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 10 бет.

⁶ Ўша жойда



Бунда: Мқа – меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли ногиронлиги бўлмаган аҳоли;
Ип – расман меҳнат қилаётган пенсионерлар;
Иўс – расман меҳнат қилаётган вояга етмаган ёшлар (ўсмирлар);
Ин – ишлаш имкониятига эга бўлган фаолият кўрсатаётган ногирон аҳоли қисми.
Бугунги кунда **кадрлар салоҳияти (Кс)**, деган тушунча ҳам кўп қўлланилади.
Ушбу категория ҳам бир қанча кўрсаткичлардан таркиб топган бўлиб, бунинг ҳажми қуйидагича аниқланади⁷:

$$Кс = Кбд + Кт + Кс;$$

Бунда: Кбд – мутахассис кадрларнинг билимлилиқ даражаси;
Кт – кадрларнинг тажрибалиқ даражаси;
Кс – кадрларнинг саломатлилиқ даражаси.
Худди шунга ўхшаш кўрсаткичлардан бири **шахс салоҳияти (Шс)**, бўлиб ҳисобланади. Бунда битта шахс кўзда тутилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади⁸:

$$Шс = Мққ + Хбд + Таж;$$

Бунда: Мққ – бир кишининг меҳнат қилиш қобилияти;
Хбд – ходимнинг билим даражаси;
Таж – ходимнинг иш тажрибаси.
Кўриниб турибдики, инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категориялар таркибига инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти кабилар киради. Буларни ривожлантириш учун таълим сифати, соғломлаштириш, шахснинг тажрибаси ва уни амалиётда фойдаланиш кабиларни ҳам киришини инобатга олиш лозим бўлади.. Ушбу ёндошув инсон салоҳиятининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш учун шу юқорида келтирилган категорияларнинг ҳам мазмунини, уларни аниқловчи кўрсаткичларни келтирдик.


Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инсон салоҳиятининг ривожланишига, бунинг учун таълим ва тиббиётнинг такомиллашувига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки Ўзбекистон 2030 йилга бориб иқтисодий тараққиёти жиҳатидан ва аҳолининг фаровонлигининг даражаси бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига етиши кўзда тутилган. Бунга эришиш учун бир инсон салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бир қанча вазифаларни амалга оширишга тўғри келади. Булар, бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, инсон салоҳиятинининг моҳияти ва уни баҳолаш масалалари олий ўқув юртларида ўтиладиган иқтисодиётга оид дарсликларга киритилиши, уларнинг кўрсаткичлари ва баҳолаш йўллари амалиётда қўлланилиб, уларнинг қиёсий таҳлилининг амалга оширилиши ҳамда шу асосда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиб бориши ҳам мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, инсон салоҳиятини ошириш учун таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга ошириш йўлида қилинаётган ишларни янада такомиллаштириб, ёшларимизни инновацион таълимни эгаллашга йўналтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мазкур масалага тизимли ёндошувни амалга ошириш ҳам муҳим ҳисобланади.

⁷ Ўша жойда

⁸ Ўша жойда.



Учинчидан, бугунги кунда инсон салоҳиятини юксалтириш учун оилада, мактабгача, мактаб таълими, ўрта махсус, олий таълим тизимларининг бир-бирига мувофиқлигини таъминлашни тақозо қилади. Кадрларни тегишли йўналишларга бошқаришни оила, мактабгача ва мактаб таълимидан бошлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга тарбия жараёнига ҳам катта аҳамият бериш ҳам мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренесанснинг шаклланишга мўлжалланган «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясида кўзда тутилган халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш учун иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган вазифаларнинг бажарилшига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони. LexUZ шарҳи.
2. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодийни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
3. Mamayunus Parдаev, Ozoda Parдаeva, Obid Parдаev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. – 6,8 б.т. https://www.lap-publishing.com/cover_playgrounds/oiancevskaiа
4. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 202 бет.
5. Дунё аҳолиси сони 8 млрддан ошди. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/15/population/>.
6. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М. Инсон капиталининг шаклланишидаги муҳим омиллар ва унинг жамият ривождаги роли. // Экономика, менеджмент, сервис: современные проблемы и перспективы. mavzusidagi ilmiy ishi konferensasi sciencebox.uz platformasida muvaffaqiyatli e'lon qilindi. 21.08.2024– 35-41 бетлар. – 0,6 б.т.